

Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги  
ШАРТНОМА № 21

Когон тумани.

“ 5 ” январь 2022 йил.

“Бухоро нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда “Маҳсулот етказиб берувчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор И.И.Норов бир томондан, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “Истеъмолчи”) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.М.Жабборов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Маҳсулот етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келдтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефт маҳсулотлари тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича									
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак			
				тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма	тн	Сумма		
Автобензин АИ-80		8969000	10063218	1,122	10063218								
ЖАМИ:			10063218	1,122	10063218								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси 10063218 — Ҳи миллион олд  
миш ўз ишиг ички юз уч сарфис) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади.

### 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. “Истеъмолчи” нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қуйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда “Етказиб берувчи” га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирозни йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга рухсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг махсус автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Маҳсулот етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хоҳишига кўра “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.